



“SHIMOLIY MINTAQLARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



ЎЎТ: 633.174., 631.531.2.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЖЎХОРИНИНГ “ҚОРАБОШ” НАВИ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Бердикеев Б.Б.- Озуха экинлар селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири.
Халиқбаев А.М. – илмий ходим.

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти (ҚҚДИТИ)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19240262>

Аннотация: Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудларида жўхорининг “Қорабош” навидан сифатли ва юқори дон ҳосили етиштириш учун оптимал экиш муддати апрел ойининг 2 чи ун кунлиги ҳисобланади.

Калит сўзлар: Қорақалпоғистон шароити, жўхорининг “Қорабош” нави, экиш муддатлари, ўсимлик бўйи, бир рувакдаги донлар сони, бир рувак оғирлиги, 1000 дон оғирлиги, яшил масса ва дон ҳосили.

Аннотация: В северных регионах Каракалпакстана оптимальным сроком посева высококачественного зерна сорта сорго «Карабош» является 2 ое декада апреля.

Ключевые слова: Условия Каракалпакстана, сорт сорго «Карабош», оптимальный срок посева, высота растений, количество семян в метелке, вес 1 ой метелки, масса 1000 семян, урожай зеленой массы и зерна.

Abstract: In the northern regions of Karakalpakstan, the optimal time for sowing high-quality grain of the Karabosh sorghum variety is the 2nd ten days of april.

Key words: Conditions of Karakalpakstan, sorghum variety "Korabosh", optimal sowing time, plant height, number of seeds in a panicle, weight of 1 panicle, weight of 1000 seeds, yield of green mass and grain.

Кириш. Жўхорини катта майдонларда етиштирилиши, уни жой танламаслиги, юқори экологик мутаносиблиги, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлилигидир. Жўхорини юқори маҳсулдорлиги, озукавийлиги ва универсаллиги сабаб, у дунё бўйича истикболли экинлар қаторига киритилган. [2].

Республикамиз чорвачилигини жадал ривожлантиришда озукабоп экин майдонларини ташкил қилиш, ҳар гектар ҳисобига 100-150 центнер (ц) озуқа бирлиги тайёрлаш, шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда жўхорининг (Sorghum) 3 тури: донли жўхори, ширин жўхори ва супурги жўхори гуруҳлари суғориладиган шўрланган ерларида ўстирилади. [1].

Тадқиқот мақсади. Қорақалпоғистон шароитида жўхорининг “Қорабош” навини оптимал экиш муддатини ва экиш муддатларининг навнинг асосий хусусиятларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот ўтказиш услублари. Тадқиқот ишлари, дала кузатувлари, лабротория таҳлиллари “Дала тажрибаларини ўтказиш” [3] ва “Маккажўхори, оқ жўхори ва африка куноғи экинларида илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича услубий қуланма” (селекция, уруғчилик, технология) [4] услубий қуланмалари асосида олиб борилди.

Жўхорининг “Қорабош” навининг оптимал экиш муддатини аниқлаш мақсадида, тадқиқот 2023-2025 йилларда Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 3 вариантда: 10, 20 апрел ва 5 май экиш муддатларида, 3 қайтариқда ўтказилди. Умумий тажриба майдони 0,7 га.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Тажриба майдонидаги экинларни экиш муддатлари бўйича ўрганилган вариантлардан экинларнинг дон ҳосилдорлиги ва яшил масса ҳосилдорликлари бўйича кўрсаткичларни аниқлаш учун дала шароитида ҳар бир майдончадан бир қатордан эгатлар ўрилиб, донли сўта, рўвак, дуккаклари териб олиниб, электрон тарози ёрдамида тортилиб, миқдорлари чиқарилди.

Лаборатория шароитида ҳарбир вариантдаги ҳарбир делянкадан алоҳида йиғиб олинган донли сўта, рўвак, дуккакларидан донлари ситиб олиниб, тозаланиб, бештадан 1000 донага ажратилиб, лаборатория тарозиси ёрдамида 1000 дона дон оғирлиги бўйича кўрсаткичи аниқланди ва ўртачаси ҳисоблаб чиқарилди.

Тадқиқот натижалари. Экинларда ўсимликларнинг асосий морфологик белгиларининг таъсири экин турларининг хўжалик қимматли хусусиятларини яхшилашда аҳамиятга эга ҳисобланади. Масалан, ўсимлик бўйи экинларнинг кўк ва қуруқ масса ҳосилига, бир тупдаги барглари сони ўсимликнинг баргдорлигига, бир дона рувакдпги донлар сони, бир дона рувак оғирлиги экинларнинг дон ҳосилдорлигига таъсир этади.

Тажрибада жўхорининг “Қорабош” нави асосий хусусиятларига экиш муддатларининг таъсирини аниқлаш мақсадида, экиш муддатлари вариантлари бўйича нав вегетация даври, ўсимлик бўйи, бир дона рувакдаги донлар сони, бир дона рувак оғирлиги, 1000 дона дон оғирлиги, кўк масса ва дон ҳосилдорлиги бўйича кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари қилинди.

Кузатувларда 10, 20 апрел ва 5 май муддатларида экинлар вариантларда, экиш муддатлари таъсирида жўхорини “Қорабош” нави вегетация даври 124- 129 кун оралигида, ўсимлик бўйи 245,2 - 271,8 см оралигида, бир рувакдаги донлар сони 2167,5 - 2646,3 дона оралигида, бир рувак оғирлиги 80,6 - 104,1 грамм оралигида, 1000 дон оғирлиги 14,8 - 20,5 гармм оралигида, кўк масса ҳосили 47,4 - 60,6 т/га оралигида ва дон ҳосили 3,46 - 4,74 т/га оралигида фарқланиши кузатилди.

Экиш муддатларининг жўхорини хўжалик қимматли хусусиятларига таъсири бўйича таҳлиллар натижалари.

Экин тури ва нави	Экиш муддатлари, сана	Вегетация даври, кун	Ўсимлик бўйи, см	Бир дона рувакдаги донлар сони, дона	Бир дона рувак оғирлиги, г.	1000 дона дон оғирлиги, гр	Яшил масса ҳосилдорлиги, т/га	Дон ҳосилдорлиги, т/га
Жўхорининг “Қорабош” нави	10.04	129	245,2	2167,5	80,6	14,8	47,4	3,46
	20.04	124	266,4	2646,3	104,1	20,5	52,7	4,74
	05.05	126	271,8	2413,6	97,4	17,2	60,6	4,22

Тажрибада экиш муддатларини жўхорининг “Қорабош” навини асосий хусусиятларига таъсирини аниқлаш бўйича кузатувлар натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда, 10 апрел муддатида экилган барча вариант ва



“SHIMOLIY MINTAQLARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



қайтариқларда, 20 апрел ва 5 май муддатларда экилган вариантларга нисбатан ўсимлик бўйи 20 дан 25 см гача, бир рувакдаги донлар сони 250 дан 460 донагача, бир рувак оғирлигида 16 дан 24 граммгача, 1000 дон оғирлиги 2,4 дан 5,7 граммгача, яшил масса ҳосили 5,3 дан 12,9 т/га ва дон ҳосили 0,76 дан 1,28 т/га гача курсаткичлари паст бўлганлиги аниқланди. 10 апрелда экилган вариантда, 20 апрел ва 5 майда экилган вариантларга нисбатан навнинг вегетация даври давомийлиги 3-5 кунга юқори (129 кун) бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада кузатувлардан олинган маълумотларини умумлаштириб таҳлил қилганимизда 20 апрел муддатида экилган экинлар 10 ва 5 май муддатида экилган вариантларга нисбатан, бир дон рувакдаги донлар сони (2646,3 дон), бир рувак оғирлиги (104,1 г), 1000 дон оғирлиги (20,5 г) ва дон ҳосили (4,74 т/га) бўйича, 5 май муддатида экилган вариантларда жўхорининг ўсимлик бўйи (126 см) ва яшил масса ҳосили (60,6 т/га) бўйича юқори курсаткичларга эга бўлди.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига асосан хулоса қилиши мумкин, Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудларида жўхорининг «Қорабош» навидан сифатли ва юқори дон ҳосили етиштириш учун оптимал экиш муддати апрел ойининг 2 чи ун кунлиги ҳисобланади.

Адабиётлар

1. [Атабоева](https://qomus.info/joxori-uz/) Х. <https://qomus.info/joxori-uz/> 23.06.2024.
2. Алдошина В.И. Особенности биологии сорго и их использование в селекции на скороспелость. //Сборник научных трудов НИИ кукурузы: Селекция, семеноводство и технология возделывания сорго в основных районах страны. Днепропетровск. 1984. -С. 26-31.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Тошкент -2007, 48-65 б.
4. Массино И.В., Еденбаев Д., Бобоев Ф.Г., Азизов К.К. Маккажўхори, оқ жўхори ва африка қуноғи экинларида илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича услубий қўлланма. (селекция, уруғчилик, технология) Тошкент. 2017 й. 28 бет.